



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
бўюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: info@xs.uz

2007 йил 28 март, № 60 (4213)

Чоршанба

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

**27 мартда парламент юқори палатасининг кўмиталарида бўлажак тўққизинчи ялпи мажлис кун тартибидagi масалаларга бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.**



Мажлисларда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, шунингдек «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилар.

Сенаторлар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда мазкур қонунларнинг аҳамиятини таъкидлаб, бу қонунлар мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни янада демократик қилишда ва сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг

собиққадам вазифаларини бажаришда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтиришга қаратилганлигига алоҳида ургу бердилар. Қонунлар ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи тармоқлари органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар, ҳуқуқий таъминловларнинг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилайдиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар ярати беради.



## ЭНГ САВОДХОН ЮРТ

Яқинда Интернетда «Дунё харитаси» билан танишдик чикдик. Унда жаҳон давлатларининг бошқа кўрсаткичлари билан бирга, аҳолисининг саводхонлик даражаси ҳам берилган экан. Тўғриси, бу жадвалдаги ҳолатни кўриб жуда қувондик. Чунки мамлакатимиз бу рўйхатнинг энг олдинги ўринларидан бирдан жой олган эди.

Кистондаги кўрсаткичга қараганда бир физ. Қирғизистонда эса икки физик кам.

Шўролар даврида бизни тарихда саводсиз эди деб айблаган бўлса-да, аслида юртимизда уша пайтларда ҳам минглаб мактаб ҳамда мадрасалар фаолият кўрсатган.

Китобдаги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг 99 фоиздан кўпроги саводли экан. Бу рақамни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардаги ушбу кўрсаткичлар билан солиштириб кўрсак, қуйидагига манзара намоён бўлади. Европанинг илм-фан юксак тараққий этган Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Швеция каби давлатларида фуқароларнинг саводхонлик даражаси бизнинг юртимиз билан бир хил. Россия, Италия, Болгарияда бу кўрсаткич 98 фоиз, Грецияда 95 фоиз, Туркияда

82,3 фоизга тенг. Жаҳонда энг қудратли мамлакат АҚШда ва унга қўшнинг бўлган Канадада эса фуқароларнинг саводхонлик даражаси биздагидан икки физик кам, яъни 97 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, қўшни республикалар — Қозғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон билан бир минтақада жойлашган. Лекин рўйхатдаги дастлабки учта давлатда аҳолининг саводхонлик даражаси Ўзбекистонга қараганда 48 ва 18,5 фоизга кам.

### Фахр

Албатта, мамлакатимиз аҳолиси саводхонлик даражасини Афғонистон ёки Африка ва Осиё қитъасидаги кўплаб мамлакатлардаги аҳоли билан солиштириб бўлмайди. Масалан, Миср давлати араб дунёсида ўзига хос мавқега эга. Бир пайтлар Ўзбекистон каби дунё цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган. Бугун бу мамлакат аҳолисининг 51,4 фоизига ўқий ва ёзишни билади, холос. Ёки бугун аҳолиси ва саноат ишлаб чиқариши бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб турган Ҳиндистон ва Хитойда ҳам аҳолининг саводхонлик даражаси бизнинг юртимизга қараганда 48 ва 18,5 фоизга кам.

Энг қувончлиси, бугун ҳам юртимизда аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг билим олиши, саводхонлигини ошириши учун барча шароит муҳайё этилган. Айни пайтда бу Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган қанотбахш сўзларининг ҳаётий инъикоси эмасми?!

Б. ЭГАМКҮЛОВ.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**27 март кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишни давом эттирдилар.**



«Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлиги учун жавобгарлик кўчатирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Қонун лойиҳасининг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган модда-модда муҳокамаи чоғида депутатлар ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар билдирилди. Келиб тушган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказилган сўнг уни иккинчи ўқишда қайтадан кўриб чиқишга қарор қилинди.

«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси З.Ботирова тақдим этди. Муҳокама чоғида депутатлар мамлакатимизда фуқаролар соғлигини сақлашнинг янада яхшилаш учун мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши муҳим эканлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий моддаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Умаровнинг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига доир маърузаси бўйича депутатлар мазкур ҳужжатнинг концепциясини муҳокама қилдилар. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган фикр алмашувлардан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини унинг концепциясини депутатлар билдирган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказиш учун рад этди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 март кун эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мажлислар залида очилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 март кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

## ФАРМОН ИЖРОСИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Навоий вилояти ҳокимлигида ушбу масалалар таҳлилига бағишланган йилги маълумотлар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Навоий вилоятида амалга оширилган ишлар аҳолига таъмин этилди. Вилот хотин-қизлар кўмитаси тегишли муассаса, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Фармонда белгилаб берилган вазифаларни бажаришга жиҳдий эътибор қаратиб келимоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳити соғломлаштириш, хотин-қизлар ўртада жоннатчиликни камайтириш, аҳолини, хусусан, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш мақсадида бу борада жойларда ўтказилаётган урғулар, суҳбат ва мулоқотлар ўз самарасини беришти. Дуний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маънавиятчиларнинг маънавий оқимларни таъминлаш мақсадида ўқу семинарлари ташкил этилмоқда.

Президентимиз Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида вилотда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ушбу йил 10 минг 670 нафар аёл меҳнат бўлимларига иш сураб мурожаат этган бўлса, уларнинг 8 минг нафардан ор-

тиги иш билан таъминланди. Шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталарининг саъй-ҳаракатлари билан ўқу-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилиб, уларда хотин-қизларга зарур ахборот, кўмак, қўллаб-қувватлаш бўйича саёбқ берилди.

## Тўқлик ва эзгулик ТИМСОЛИ

Болалигимда Сўфий қишлоғидаги бувам менга ҳар баҳор «сумалак есин», деб олиб кетар, беш-ун кун шу ериқлар Наврўзи нишонлайдиган тоғдаги тўқхона атрофида ўйнаб-қулиб, байрамни ўтказиб қайтардим. Эсимда қолгани нимадир бу байрам қийинчиликларга дуч келар, баъзан ваҳима тарқатар, «Рухсат тегибди, оқсоқолларнинг гапи ўтмайди», деган гап-сўзлар оралиб юрар, одамларнинг кўзида алақандай саросима-қўрқув акс этарди.

Лекин, барбир, тўқхонада ҳамма йиғиларверди. Бир ёнда дорбозлар, масқарабозлар қий-қуви, бошқа томонда кураш авж оларди. Самоварлар қайнар, дошқозонларда ҳалим, налож тиширларди. Кўзачаларда хонадонларда тайёранган сумалак келтирилди. Пастдан тепаликка қараб йиғилар нимаидир қойил қилиб бажарандек чиқарар, сал ўтиб келинчақлар тиллақоши бошларига қўндириб, заррин либосларга бурқаниб,

қирқ майда ўрим сочларига потуқлар, бўйинларига забарқандлар олиб, нозаниб келишарди. Болаларнинг бозбаракларининг бўлутларига теккизили илжинди. Нимагадир тилиқсалар ниҳонлари ўқдек қадалайдиган чоллар чор атрофга сичков назар ташлашар, шерадаги чойга соқоллари тегиб турганига нарво қилмай, бир-бирларига оҳиста бош қимирлатишар... Хуллас, кўзларда кечаси қўрқувнинг бир-икки очкич ёши, лабарда маҳзун табассум... Аммо байрам...

Энди, қирқдан ўтиб ўйлаб қарасам, ўша пайтлар қанча таққиланган ҳам йўқлиб кетмаган «хавфли» байрамга элдошларининг тўп-тўп бўлиб боришлари — уларнинг «биз ҳали тирикмиз, биз ўзбеклармиз» деган маънос ва сокин ибтиҳори экан.

70-йиллар ўтди, 80-йилларга бариб «Наврўз»ни беибабатвор сиқувга олдилар. Бу йилларга келиб мен талаба бўлдим, катта бобом Тил ва адабиёт институтида ишлар, у киши Тошкентда

### Нигоҳ

Ёрқул УМАР,  
ЎЗА мухбири.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси олдида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА



Хабарингиз бор, эртага мамлакатимиз парламенти юқори палатасининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишینی бошлайдی. Мана, бир неча кундирки Сенат кўмиталарида ана шу мажлисга қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Хусусан, муҳокама қилиниши режалаштирилган қонунлар юзасидан кўмиталарнинг ҳулосалари тайёрланяпти. Ўз ўрнида, кўмиталар аъзолари ўтган ялпи мажлисдан то бугунга қадар қилинган ишларни яна бир бор кўздан кечириб, ўзлари учун тегишли ҳулоса ҳам чиқаришяпти.

Муҳбиримизнинг ялпи мажлис арафасида Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси Бахтиёр Иминов билан қилган суҳбати кўмитада шу кунга қадар олиб боришган ишлар ва навбатдаги мажлисга кўрилатган тайёргарликлар хусусида бўлди.

Иқтисодиётнинг ҳуқуқий асослари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундан сўнг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун қўриб чиқилди. Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши, дейиши сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилишини таъминлайди, Давлат бюджетни ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари оқилана фойдаланилиши устидан назоратни таъмин этишда, шунингдек турли даражадаги бюджетларни шакллантиришда унинг таъбирчанлиги ва самарадорлигини оширади. Натихада давлатимизнинг асосий молиявий ҳужжати билан боғлиқ режалаштириш ҳамда мазкур ҳужжат қўрсаткичларини таҳлил этиш сифатини ошириш учун ҳуқуқий шароитлар юзага келади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, маъқуллаш учун Сенатга юборилган қатор қонунлар қўриб чиқилди. Улар орасида «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 241-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексининг 44-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонун ҳам бор. Мазкур Қонунни муҳокама этиш асносида сенаторлар унинг қабул қилиниши тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишининг хабардор қилиш тартибидин асосий принципларини амалга ошириш зарурлиги таъминлаш жорий этиш имконини беришини ва бу билан

ҳўжалик юритувчи субъектларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш учун қўшимча шароитлар яратилишини таъминлайди. Киритилаётган ўзгаришларга биноан тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишнинг белгиланган мuddатини бузганлик, рўйхатдан ўтказиш чоғида қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилганлик, статистика кодлари ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини беришдан бўйин товлаганлик ёки уларни бериш мuddатларини бузганлик, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмақда.

«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам қўриб чиқилди. Сузга чиққанлар шунки таъкидладаларки, киритилган ўзгариш амалда қонун ҳужжатларидаги мавжуд зиддиятларни бартараф этишни назарда тутиш ҳамда никоҳланувчи шахслардан бири ўзида таносил касаллиги ёки одамнинг имунитет танқислиги вирусини (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганлиги суд томонидан никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлишини белгилайди.

Қонунда шифкорнинг ҳаёти, шифкор ҳулосасининг сохталаштирилиши, никоҳланувчи шахсларда таносил касаллиги ёки одамнинг имунитет танқислиги вирусини борлигини бошқа йўллар билан яшириш омиллари, шунингдек тиббий қўриқдан

ўтган пайтдан никоҳ қайд этилганга қадар бўлган даврда бундай касалликларни орттириш эҳтимоли ҳам асос сифатида ҳисобга олинган. Қонун оилани мустаҳкамлашга, болаларни жисмонан ва ахлоқан тарбиялаш, оила аъзоларининг манфаатларини ҳимоя этиш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси кўрсатмаларини бажармаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги қораларини қулайтиришни назарда тутиш «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, рангли металлургия, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қонунларидаги қонунчиликнинг қулайтирувчи «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, хавфсизлик талабларига жавоб берадиган товарларни ўтказиш мақсадини қўзғаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташини ёхуд ўтказишга, ишлаб бажариш ёки хизматлар кўрсатишга, этил спирт, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини, чигитдан олинган маҳсулотни қўзғаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташини ёхуд ўтказишга қарши курашишга қўшимча қўриқларни қўриқ қилиш тўғрисида»ги қонун қўриб чиқилди. Бунда Марказий Осиёда ядро қуриладиган ҳоли зона барпо этиш ташаббуси биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 1993 йил 28 сентябрда БМТ

сида»ги қонунлар қўриб чиқилди. Муҳофа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ўз мажлисида йўловчилар ташинида иштирок этувчи транспорт ҳайдовчилари тартибни ўқитиш ва тайёрлашнинг, имтиҳон ўтказиш ва ҳайдовчилик гувоҳномасини беришнинг мавжуд қондаларини такомиллаштиришга, шу жумладан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжат олиш учун ўқитиш бўйича йўриқларга нисбатан қўйиладиган талабларни оширишга қаратилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, шунингдек ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташинида хавфсизлик қамаридан фойдаланиш қондаларига, мотоцикл ҳайдовчилари аса мототехникаларидан фойдаланиш қондаларига риёа эتماганлиги учун жавобгарлик белгиланиши «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, хавфсизлик талабларига жавоб берадиган товарларни ўтказиш мақсадини қўзғаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташини ёхуд ўтказишга, ишлаб бажариш ёки хизматлар кўрсатишга, этил спирт, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини, чигитдан олинган маҳсулотни қўзғаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташини ёхуд ўтказишга қарши курашишга қўшимча қўриқларни қўриқ қилиш тўғрисида»ги қонун қўриб чиқилди. Бунда Марказий Осиёда ядро қуриладиган ҳоли зона барпо этиш ташаббуси биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 1993 йил 28 сентябрда БМТ

Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилганлиги таъкидланди. Ўзбекистон Президентининг бу борадаги ташаббуслари 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинскда Марказий Осиёда ядро қуриладиган ҳоли зона тўғрисидаги Шартномани имзолаш йўли билан халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Ушбу Шартноманинг имзоланиши минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тинчлик сақланишини таъминлашга қаратилган муҳим халқаро-ҳуқуқий воқеа бўлди.

Мажлисида Евроосий маконда интеграция жараёнидаги ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш билан боғлиқ «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига интеграция тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам қўриб чиқилди.

Мажлисларда шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги маसала ҳам муҳокама қилинди. Парламент юқори палатасининг аъзолари кўмиталарнинг мажлисларида бўлажак ялпи мажлис дастлабки кун тартибига киритилган масалалар билан бир қаторда Сенатнинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилилди, ваколатлари доирасига қирадиган бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

«Фидойилар»га кинофестиваль соврини

Умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи асарлар билан ном қозонган қораллоқ режиссёри Тўренижоз Қалимбетов яқинда Италияда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда совриндорлар сафидан жой олди. 60 дан ортиқ мамлакатнинг киноижодкорлари ўз асарлари билан иштирок этган бу форумда унинг «Фидойилар» ҳужжатли фильми юқори баҳоланди.

«Фидойилар» Орол денгизининг қўриб қолган сатҳида ўсимлик ва ҳайвонот оламини қайта тиклашга бел боғлаган инсонлар меҳнатига бағишланган.

76 фуқаро ишли бўлди

Эллиқалта тумани марказида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги ташкилот, муассаса ва корхоналардан 26 таси 92 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Натихада 76 фуқаро ишли бўлди.

— Чорак охирида «Юнитар» қўшма корхонасида 300 та янги иш ўрни яратилди, — дейди туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Ислам Бобожонов. — Бу иш ўринларига асосан ёш хотин-қизлар жалб этилади.

Янгибўй КўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Озик-овқат маҳсулотлари, чимликлар, қадоқлаш воситалари ва ускуналар — WorldFood 2007» ва «Кишлоқ ҳўжалиги AgroWorld-2007» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмақда. Унда мамлакатимиздан ва хориждан 40 та компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этаяпти.

Тadbирга ташриф буюрганлар озик-овқат ва кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ускуналари,

технологиялар бозоридagi энг сўнгги янгиликлар билан танишиш ва ахборот олиш имконига эга бўлмақдалар. — Мамлакатингиз кишлоқ



Савидомон ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: кўргазмалардан лавҳалар. Темур КУРБОНОВЕВ олган суратлар.

Францияда жамғарма ваколатхонаси очилди

(Давоми. Боши 1-бетда). ни қўллаб-қувватлаш, қадимий аъёнлар ва замонавийликни ўзида муҳасамалаштирган бой маданиятимизни хорижда кенг тарғиб қилишга қаратилган. У ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун қўллаб-қувватлаш қўриқлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, жамғарма ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Тошкент Биеннале ва Фото-Биеннале, Марказий Осиё мамлакатлари ўш режиссёрларининг «Иккинчи парвоз» иккинчи ўшлар кинофестивали каби тadbирларни ўтказди, Тошкентда Кулолчилик мактабини ташкил этиди. «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси



Кўргазмадан экспортга

ҳўжалигида олиб борилаётган ишлотлардан яқин ҳабардорим, — дейди биз билан суҳбатда Беларусдаги Бобурхон трактор эҳтиёт қисмлари ва агрегатлари заводи вакили В. Черновик. — Айниқса, «Беларус-310/320» русумли универсал минни тракторларимизга ўзбекистонлик фермерлар катта қизиқиш билдиришмоқда. Уялайманки, кўргазма давомида узаро тенг манфаатли келишув ва шартномалар имзоланга аришамиз.

Таъкидлаш жоизки, кўргазманинг биринчи кўни у ерга ташриф буюрувчилар кўл бўлди. Tadbир ташкилотчиларнинг маълум қилишича, пойтахтимизда ўтказилаётган кўргазмаларда ўз маҳсулот ва

хизматлари билан иштирок этаётган хорижий компания ва фирмалар сонини тобора ортиб бормоқда. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлотлар ва хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити сармоясидир.

Ишлаб чиқариш субъектлари ва харидорлар ўртасидаги узаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадларига қаратилган ушбу кўргазмалар 29 мартга давом этади.

Савидомон ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: кўргазмалардан лавҳалар. Темур КУРБОНОВЕВ олган суратлар.

Бугунги кунда Россия, Хитой ва Японияда жамғарма ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда, бошқа мамлакатлар жамоат ташкилотлари билан ҳам узаро ҳамкорлик кенгаймоқда. Масалан, Тошкентда Италия ва Германия мuddат музика санъати усталарининг гастроли, франциялик ёзувчи Антуан Сент-Экзюпери ижодига бағишланган «Жанубий почта» халқаро кўргазмаси, болалар расмлари халқаро кўргазмаси, Буюк Ипақ йўлига бағишланган конференциялар ва бошқа бир қатор тadbирлар бўлиб ўтди. Бундай ҳамкорлик алоқалари ўзининг қадимий маданияти, замонавий санъати билан жаҳонга машҳур Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилади.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.



Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



## «Пахтакор»нинг оҳанрабои тортди

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Александр Гейнрих яна ўзининг қадрдон клуби «Пахтакор»га қайтадиغان бўлди. Хабарингиз бор, ҳужумчимиз шу кунгача Москванинг «Торпедо» клубида ижарада тўп сураётган эди. Келишилган бир йиллик ижара муддати кўчи кеча ниҳоясига етди. Эсингизда бўлса, у мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони сафига 2002 йилда қўшилган ва ўша йилнинг ўзидаёқ


Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси, деб эътироф этилганди. Шундан сўнг ёш иқтидорли ҳужумчи Москванинг ЦСКА жамоасига таклиф этилганди. Бу терма жамоамиз ҳужумчисининг «Пахтакор»га иккинчи марта қайтиши ҳисобланади.

Ўзбек футболга Ёрқин Назаров, Валерий Кечинов, Олег Шақих, Николай Ширшов, Андрей Яровой, Руслан Аҳмедхонов каби кўплаб иқтидор со-

ҳибларини етказиб берган мураббий Владимир Бондаренко «Пахтакор» футбол клуби академиясига раҳбар этиб тайинланди. Таниқли мутахассис бир неча йил Россияда мураббийлик фаолиятини давом эттирди. Москванинг «Спартак» жамоаси академиясида ишлади. У сўнгги пайларда «Сатурн» футбол клуби академиясида фаолият кўрсатаётган эди.

З. ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Намет овчининг ҳийласи



Устюртдаги Эркин овулига бўри оралади, деган хабар кекса бўлса-да, йиғитлардек абжир овчи Намет ота Ебўсиновнинг оромини бузди. Қашқир из қолдирган сўқмоқларга бир эмас, саккизта қопкон қўйиб кечалари пойлади. Ўттиз бешинчи кун саҳарда борганида қопконларидан бирини қашқир сураб кетганини кўрди. Изама-из Судочъё қўли томон юрди. Ўттиз чакирим ўтгач, «қайрағоч» деган жойда қашқир билан юзма-юз келди. Оёғида оғир темир занжир бўлишига қарама-дан, бўри овчи томон сапчиди. Аммо оғир занжир йирик юлғун бутасига ўралиб, бўри чорасиз қолди.

Бугун овчи бўрининг терисини айвонидаги вассажўфта осиб қўйганча ҳамқишлоқларига хавфли йирткичининг сўнги ҳамласи тўғрисида ҳикоя қилмоқда.

Умрбой ҲАМРАЙ,  
журналист.

## “Ортингда Ўзбекистон турибди, Руслан!”



Ўзбекистонлик енгилмас боксчи Руслан Чагаев ва Николай Валуев ўртасидаги чемпионлик жангига саноқли кунлар қолмоқда. Таҳририят ҳамюртимизга ўз истаklarини билдиришини сўраб, муштарийларга мурожаат қилганди. Унга биноан эзгу тилаклар битилган кўплаб мактублар олинмоқда. Қуйида уларнинг айримлари билан танишинг:

Руслан, ортингда яқинларинг, дўстларинг, мухлисларинг, энг муҳими, Ўзбекистон турибди. Яратганингни ўзи маънадор бўлсин!

АБДУЛЛАЕВлар оиласи,  
Фарғона шахри.

Руслан Чагаевнинг Николай Валуев билан бўлиб ўтадиган жангда юз фоиз галаба қозонишига ишонаман. Бу галаба ўзбек спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак.

Ақром ЭШОНҚУЛОВ,  
Тошкент вилояти ҳокимлиги бош мутахассиси.

Талабалик йилларимда бокс билан шуғулланганман. Спорт усталигига номзодман. Шу боис бокс оламида рўй бераётган воқеаларни мунтазам кузатиб бораман. Навоийлик бокс мухлислари номидан Русланга ушбу шеърни маънавий қувватлаш мақсадида йўлламоқдам:

Рингнинг қиролисан, юртим ўғлини,  
Устун бўлмоқ сенга этганда насиб.  
Сабот-матонат гар йиғит ҳамроҳи,  
Лойиқ деб, топилгай, яна чин галиб.  
Ахир, ягонасан сен Осиёда,  
Неча мард ўғлонлар тин берди сенга.  
Гумон йўқ, бўлганга галиб дунёда,  
Азиз юртинг тилар шунини дуода.



Р. ИСАНОВ,  
хуқуқшунос,  
Навоий вилояти.


## “Формула-1” қиролига муносиб ҳайкал



Германиянинг Нюрбург автодроми директори Вальтер Кафиц автопойга мусобақалари ўтадиган йўналишлардан биттаси бундан буён “Формула-1” қироли Михаэл Шумахер номи билан “Эска Шумахер” деб аталишини маълум қилди. Жаноб Кафицнинг таъкидлашича, бу жаҳон чемпионатида етти марта шохсупанинг юқори поғонасидан жой олган, ўз юрти довуғини кўларга кўтарган спорт юлдузига немис халқининг эҳтиромидир.

Анвар САМАДОВ.

## Билимлар олами кўргазмаси



Ўзбекистон Бадий академиясида “Таълим ва мутахассислик” номи халқаро кўргазма иш бошлади. Республика Савдо-саноат палатаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир юртимизда иккинчи бор ўтказилмоқда. Шу қисқа вақтда бу кўргазма ёшларни касба йўналишириш, уларга таълим ва меҳнат хизматларини таклиф этишда нуфузли кўргазмалардан бирига айланди. Шунингдек, мазкур анжуман таълим тизимидаги сўнгги ютуқлар, ўқув жиҳозлари ва компьютер дастурлари борасидаги янгиликлар билан таништиришда ҳам аҳамиятлидир.

Кўргазма мавзулар қамровига кўра “Ўзбекистонда таълим”, “Хорижда ўқиш” ҳамда “Мутахассислик ва ишга жойлашиш” каби бўлимларга ажратилган бўлиб, уларда ахборот технологиялари, ўрта махсус таълимга оид адабиётлар ҳамда талабалар учун зарур ўқув қуролларининг энг замонавий турлари намойиш этилмоқда.

## Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар

### РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларида иштирок этишга таклиф этади!



Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий вилоят филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдоларида суд ижрочилари томонидан хатланган кўчмас мулклар ва автотранспорт воситаларини савдога қўймоқда:

**I. Республика Кўчмас мулк биржаси Навоий вилояти филиалида 2007 йил 16 апрель кунини соат 10.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:**

Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлинимаси 12.02.2007 йилдаги 767-сонли ижро ҳужжатига асосан хатлаган қардор Ярашов Р.га тегишли бўлган 1991 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз «ЭО-4121» русумли экскаватор.  
Бошланғич баҳоси — 29 950 200 сўм.

**II. Республика Кўчмас мулк биржаси Самарқанд вилояти филиалида 2007 йил 20 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:**

Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлинимаси томонидан «Транс Эксим» МЧЖга қарашли, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси 18-ўйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:  
1. «Маъмурий бино» объекти, 4 қаватли, 1984 йилда қурилган, пойдевори бетон, майдони 837,76 кв.м.  
Бошланғич баҳоси — 93 532 960 сўм 60 тийин.  
2. «Устахона» биноси, 1983 йилда қурилган, пойдевори бетон, майдони 5358,24 кв.м.  
Бошланғич баҳоси — 1 13 064 989 сўм 20 тийин.  
3. «Машина ювиш биноси» объекти, 2 қаватли, 1983 йилда қурилган, пойдевори бетон, майдони 1059,84 кв.м.  
Бошланғич баҳоси — 69 472 032 сўм 30 тийин.  
4. «Бокс биноси» объекти, 1983 йилда қурилган, пойдевори бетон, майдони 1469,4 кв.м.  
Бошланғич баҳоси — 24 254 595 сўм 90 тийин.

**III. Республика Кўчмас мулк биржаси аукцион савдолари майдончасида 2007 йил 1 май кунини соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:**

1. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 09.08.2005 йилдаги 18404-сонли ва 10.07.2006 йилдаги 11718-сонли ижро ҳужжатларига асосан, МХХ қомандатурасида сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 R 1896 бўлган, «Mercedes-Bens S600» русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.  
2. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 11.05.2006 йилдаги

8175-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳар «Себзор» номли автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 V 2288 бўлган, «Mercedes-Bens S320» русумли авто транспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 73 386 000 сўм.

3. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 11.05.2006 йилдаги 8164-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳар «Себзор» номли автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, Қозоғистон Республикаси давлат рақами Х391NOM бўлган, «Ауди-100» русумли автотранспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.

4. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 10.07.2006 йилдаги 11714-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Тошкент шаҳар «Себзор» номли автоуловлар сақлаш майдончасида сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, Қозоғистон Республикаси давлат рақами Х283FUM бўлган, «УАЗ-452» русумли авто транспорт воситаси.  
Бошланғич баҳоси — 1 080 000 сўм.

**Ушбу автотранспорт воситалари 2007 йил 1 майда бўлиб ўтадиган илк аукцион савдоси кунини сотилмаган тақдирда 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май ва 5, 7, 12, 14, 19, 21, 26, 28 июнь кунлари бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида сотилгунга қадар мунтазам қўйиб борилади.** Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу кўчмас мулклар ва автотранспорт воситаларини суд ижрочилари бўлинимаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқи киришлари мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва jisмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини;

РКМБ Навоий вилоят филиалининг қуйидаги: АТИБ «Ипотек банк» Навоий бўлимидаги МФО 00205, ИНН 200933850, 20210000300571452458 ҳисоб рақамига;

РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг қуйидаги: ДАТ «Асакабан» Самарқанд вилоят филиалидаги код.00264, СТИР 200933850, 20210000500571452071 ҳисоб рақамига;

РКМБ Тошкент шаҳар савдо майдончасининг қуйидаги: АТИБ «Ипотекбанк» Шайхонтоҳур филиалидаги: МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

### МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛЛАР:

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Навоий вилояти филиали. Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкни бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: 226-32-63, факс: 226-43-64.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилояти филиали. Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй, Давлат мулкни кўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси биноси, 2-қават, 210-хона. Телефонлар: 210-08-90, 233-80-11.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.

Интернетдаги сайтимиз: [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz)

Лицензия: DB 001 №000004

«Берлин-Хем/Менарини» компаниясининг Ўзбекистондаги вазоратликнинг жамоаси Самарқанд вилояти бўйича тиббий вакил  
Азиз Тошмуллоев ДЕКХОНОВнинг фойдали вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазия изҳор қилади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонаси муҳаррири Камолдин Пардаевга отаси  
Анорбой ПАРДАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Республика Онкология илмий маркази жамоаси абдоминал бўлими шифокори  
Аваббек Мирзаевни ДОСОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазия билдиради.

**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади:

- бош кийимлар;
- тикув ва тикув-трикотаж буюмлар;
- пойабзал;
- бурма бел пальто (бекеша) ва кўй терисидан тикилган пўстинлар;
- ўт ўчириш хизмати ашёлари;
- тўшаклар (матрац) ва пахтали ёстиқлар.

Тендер қуйидаги манзилда ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси, 700070, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.

Тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан таклифларни қабул қилишнинг сўнги муддати — 2007 йил 26 апрель кунини соат 17.00 гача.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун хар кунини соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 153-74-16, 361-43-72, 136-39-60, 55-85-03. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-72.  
E-mail: [umtvs@uzrak.uz](mailto:umtvs@uzrak.uz). Шунингдек, қўшимча маълумот қуйидаги сайтда жойлаштирилган: [www.dgMarket.uz](http://www.dgMarket.uz)

**Российский**  
**Обои линолеум**  
**Виниловые**

Форма оплаты — любая  
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11  
303-38-77  
факс 134-49-58

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳриринг компьютер марказида терилди ва операторлар **Жамшед Топев ва Муҳаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 00.45 2 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.  
Навбатчи — М. Охунова.  
Мусаффаҳ — М. Ёзубова.